

БАНК ҲИСОБВАРАҒИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил « ____ » _____

_____ -сон

Фарғона шаҳар.

Кейинги ўринларда “Банк” деб номланувчи “Мадад Инвест банк” акциядорлик тижорат банки номидан ишончнома асосида иш юритувчи Амалиёт бошқармаси бошлиғи _____ томонидан ва кейинги ўринларда “Мижоз” деб номланувчи _____ номидан _____ асосида иш юритувчи _____ иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Мазкур шартнома банк томонидан мижознинг аризасига кўра амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, банк ҳисобварақларини (кейинги ўринларда «ҳисобварақ» деб юритилади) очиш, унинг ҳисобварағига келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва тўлаш, касса хизматини кўрсатиш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа амалиётларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

1.2. Банк томонидан **кредит, факторинг, молиявий лизинг, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, қимматли қоғозлар ҳисобини юритиш ва сақлаш, қимматли қоғозларни бошқариш, ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш, андеррайтинг, консалтинг, ахборот, кафолат ва кафиллик хатларини бериш, масофавий хизматлар кўрсатилиши** ҳамда **ҳалқаро банк амалиётига мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатилиши** ва уларга белгиланадиган фоизлар ставкаси ва **хизматлар ҳақи тарифи** алоҳида шартномалар билан тартибга солинади.

1.3. Мижоз томонидан маблағларни **жамғариладиган ва муддатли депозитларга жойлаштириш масалалари** алоҳида шартномалар билан тартибга солинади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Банк мазкур шартномага асосан қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.2. Мижознинг топшириғига кўра қонунчиликка мувофиқ ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатади ҳамда қонунчиликда назарда тутилган барча ҳисоб-китоб ва касса амалиётларини амалга оширади. Жумладан:

а) мижоз ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечиктирмай мижоз ҳисобварағига киритади;

б) мижоз ҳисобварағидан пул маблағларини, тегишли тўлов ҳужжатлари асосида, ўтказиш (тўлаш) тўғрисидаги топшириқларини бажаради;

в) мижознинг қарз мажбуриятлари бўйича тўлов талабномалари ва инкассо топшириқномаларини қонунчилик доирасида ижро қилади;

г) амалдаги қонунчиликка мувофиқ мижоздан нақд пул маблағларини қабул қилади ва беради;

Ўз навбатида, мижоз ҳисобварағи амалдаги қонунчиликка мувофиқ ёпилиб, қолдиқлари 29842-«Ҳаракатсиз депозитлар» ҳисобварағига ўтказилган тақдирда, ушбу қолдиқ суммасига фоиз ҳисобламайди;

ж) бошқа ҳисоб-китоб, касса хизматларини кўрсатади (банк ва мижоз ўртасида алоҳида шартномалар асосида тартибга солинадиган муносабатлар бундан мустасно).

2.3. Мижоз ҳисобварағидан фақат унинг топшириғи бўйича ёки унинг розилиги билан банкка тўлов хужжати келиб тушган куни ёки келгуси иш кунидан кечиктирмай маблағларни (акцептсиз тўлов талабномаси ва инкассо топшириқномаси бундан мустасно) ҳисобдан чиқаради.

Мижознинг ҳисобварағида маблағ мавжуд бўлмаган ёки етарли маблағ бўлмаган тақдирда, Банк тўланмаган тўлов хужжати суммасини 2-сонли картотекага жойлаштиради (қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

2.4. Мижозга белгиланган жадвалга мувофиқ (дам олиш кунларидан ташқари) муайян муддатда хизмат кўрсатади.

2.5. Мижоз топшириғига асосан ҳисоб-китоб амалиётларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг амалдаги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Пул ҳисоб-китоб хужжатлари банк томонидан ижрога фақат мижознинг тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган вароқчада кўрсатилган шахслар ва мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахсдан қабул қилинади.

2.6. Тўлов хужжатларини қабул қилишда барча зарур реквизитларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов хужжати банкка келиб тушган иш куни (агар амалиёт куни давомида келиб тушган бўлса) ёки келиб тушган иш кунининг кейинги иш кунидан (агар амалиёт куни тугагандан кейин келиб тушган бўлса) кечиктирмай унинг ижросини таъминлайди.

2.7. Мижозни касса хужжатлари (нақд пул топшириш эълонномалари ва бошқа зарур бланкалар) билан бепул таъминлайди.

2.8. Мижознинг талабига мувофиқ унинг ўзига ёки унинг ишончли вакилига ҳисобварақдан кўчирмалар ва бошқа тегишли хужжатларни беради.

2.9. Мижозга тааллуқли бўлган банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлайди.

2.10. Мижоз ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағларини бут сақланишини таъминлайди.

2.11. Мижознинг ҳисобварағида эркин маблағ бўлганда ёки маблағ етишмаганлиги сабабли маблағларни банд қилишга брон мавжуд бўлган ҳолларда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия пулларини биринчи талабдаёқ берилишини таъминлайди.

2.12 Мижоз мазкур шартномага асосан қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.13. Банкка ҳисоб-китоб амалиётларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча хужжатларни тақдим этади.

2.14. Банкда белгиланган иш вақтига ва Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом талабларига риоя этган ҳолда тўлов хужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш талабларига риоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги меъёрий хужжатлари талабларини бажаради.

2.15. Мижознинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун ҳар чорак бошланишидан 30 кун олдин банкка белгиланган шаклда касса буюртмасини тақдим этади.

2.16. Ҳисобварақда маблағ мавжуд бўлганда иш ҳақи, пенсия ва нафақалар олишнинг календар жадвалига мувофиқ пул чекини ва иш ҳақи билан боғлиқ солиқ ва бош мажбурий ажратмаларини ўтказиш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси банкка нақд пул олиш кунидан бир кун олдин тақдим этади. Иш ҳақи билан боғлиқ солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалари бўйича тақдим этган тўлов топшириқномаси ижроси таъминлангандан кейин пул чеки бўйича маблағлар олинади ва қатъий белгиланган мақсадларда фойдаланилади.

2.17. Тўловларни амалга ошириш учун ўзининг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағида етарли пул маблағларига эга бўлади.

2.18. Кўрсатилган банк хизматлари бўйича тўловларни мазкур шартноманинг 5-бўлимида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади.

2.19. Банк талабига кўра бошқа давлатлар субъектлари билан тузилган шартномалар бўйича амалга оширилган экспорт-импорт ва бошқа амалиётлари тўғрисида, шунингдек, зарурият туғилганда, қонунчилик асосида банк зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этади.

2.20. Агар мижознинг ташкилий ҳуқуқий шаклида ўзгариш содир бўлса, бу тўғрисидаги маълумотларни 3 иш куни мобайнида, юридик манзилида ўзгариш содир бўлганда эса, бу тўғрисидаги маълумотларни 5 кун мобайнида банкка тақдим қилади.

2.21. Белгиланган муддат ичида депонентга ўтказилган иш ҳақи, пенсия, нафақа ва моддий ёрдам пулларини Банк кассасига топширади.

2.22. Ўз кассасига нақд пулларни кирим қилиш ва сарфлаш тартибига, касса интизомига ҳамда лимитдан ортиқча нақд пулларни банкка топшириш тартибига риоя этади.

2.23. Мижоз Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2017 йил 23 майда 2886-сон билан рўйхатга олинган **“Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”**га қатъий риоя этади.

2.24. Мижоз Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро санкциялар қоидаларига қатъий риоя этади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1 Банк мазкур шартномага асосан:

3.2. Мижоз томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, банк томонидан ўрнатилган тартиб қоидалар, шунингдек, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва ўз муддатида тақдим қилиш бўйича йўл кўйилган тартиббузарлик ҳолатлари мавжуд бўлганда, Банк ҳисоб-китоб, касса амалиётсини бажаришни тўхтатиш чорасини кўриш, яъни, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалиётни тўхтатиб туриш ҳамда қонунчиликка зид бўлган амалиётларни бажаришни рад этиш;

3.3. Маблағларнинг бут сақланиши ва уларнинг мижоз томонидан эркин тасарруф этилишини кафолатлаш

3.4. Қонунчиликда белгиланган тартибларга мувофиқ, мижоз ҳисобварағидан бюджет даромадига, бюджетдан ташқари фондларга ўтказилиши лозим бўлган тўловларни ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда мижознинг розилигисиз (акцептсиз) унинг ҳисобварағидан маблағлар ўтказиш;

3.5. Банк амалиётларини амалга ошириш учун асос бўлувчи ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларга хабар бериб, амалиётларни амалга оширишни тўхтатиш;

3.6. Мижознинг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағида 2-сонли картотека мавжуд бўлган тақдирда, унинг иккиламчи ҳисоварақлари, шунингдек, бошқа банкларда очилган (Ҳукумат қарорлари асосида очилган мақсадли, аккредитив жамғарма ва муддатли депозит ҳисобваралари бундан мустасно) ҳисобварақлардан маблағларни мижознинг қарз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар асосий депозит ҳисобвараққа ўтказиш ва иккиламчи ҳисобварақлардаги амалиётларни тўхтатиб қўйиш;

3.7. Банк иш куни яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилганидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга кейинги банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш йўли билан ҳисобварақлардан тегишли суммаларни мижознинг розилигисиз ҳисобдан чиқариш;

3.8. Бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида, Банк қарздор миқдорнинг сўмдаги маблағлари етишмаганда ва валюта ҳисобварағидаги маблағлари мавжуд ҳолатда, солиқ органларининг берган тақдимида кўра сўзсиз равишда унинг валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида шу кунда белгиланган курс бўйича бюджет олдидаги қарз ҳажмини тўлиқ қоплашга етарли миқдорда сотилишини амалга ошириш ҳуқуқларига эга.

3.9. Бундан ташқари, Банк ўз мажбуриятлари ва жавобгарлигига оид масалалар юзасидан миқдорнинг талабларига нисбатан у билан боғлиқ муносабатларнинг барча даврларида эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

3.10. Банк Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2017 йил 23 майда 2886-сон билан рўйхатга олинган **“Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондалари”**га қатъий риоя этган ҳолда;

- Миқдор томонидан амалга оширилган шубҳали амалиётлар аниқланган тақдирда бажарилган амалиётларнинг қонунийлиги ҳақида миқдор ёзма тушунтириш бергунга қадар ушбу хизматни кўрсатишни тўхтатиб туриш, ушбу хизматларни кўрсатишни рад этиш;

- Миқдор шубҳали амалиётлар амалга оширилганлиги ҳақидаги гумонлар мавжуд бўлганда, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган шахс томонидан амалиётлар амалга оширилаётганлигини миқдорнинг жойлашган ери (почта манзили) шартномада белгиланган манзил бўйича ўрганиш ҳуқуқига эга;

- Миқдор томонидан шубҳали амалиётлар амалга оширилганда, ушбу ҳолатларга аниқлик киритилгунга қадар хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш;

- Миқдор жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида хизматлардан фойдаланилганлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлганда, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномани ўрнатилган тартибда бекор қилиш;

- Миқдорни у жойлашган ери (почта манзили) ёки ушбу шартномада белгиланган манзилда ўрганиш жараёнида, Банк миқдор томонидан Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда) талабларига риоя қилинишини, жумладан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг расмийлаштирилиши, уларнинг миқдорнинг ваколатли шахслари (раҳбари, бош ҳисобчиси) томонидан имзоланиб тасдиқланиши, ушбу ҳужжатлар бўйича ўтказмалар фақат имзоланган ҳуқуқи мавжуд бўлган шахс томонидан тасдиқлангандан кейин амалга оширилишига, мазкур ҳужжатларнинг сақланишига алоҳида эътибор қаратади.

-Миқдордан ўтказилаётган банк амалиётларига доир ҳужжатларни сўраш, талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

3.11. Банк миқдор томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжати бўйича томонларнинг халқаро санкцияларга тушган тушмаганлигини, тушиш хавфини текширишга ҳақли.

Банк, маблағларни олувчи (ёки унинг банкнинг ёки сотиб олаётган маҳсулотининг ва х.к.з) ларнинг халқаро санкцияларга тушганлиги, тушиш хавфи мавжуд бўлганда, банк амалиётсини ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, амалиёт миқдорини чегаралаш, амалиётни чеклаш (рад этиш), тўлов ҳужжатини ижрога қабул қилмаслик ҳуқуқига эга ёки амалга оширилаётган амалиётлар миқдорнинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва миқдор билан мазкур шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

3.12. **Миқдор томонидан ўтказилаётган банк амалиётларига доир қўшимча ҳужжатлар банк томонидан сўралган ёки талаб қилинганда ҳужжатлар миқдор томонидан тўлиқ тақдим қилинмаса, банк миқдорнинг топшириқларини бажармаслиги, банк амалиётсини тўхтатиб қўйиши, банк ҳисоб варағини бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.**

3.13 Миқдор мазкур шартномага асосан:

3.13. Ўзининг ҳисобварағидаги маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда эркин тасарруф этиш;

3.14. Ҳисоб-китоб ва касса хизматлари бўйича банкка топшириқлар бериш, инкассо бўйича сўровномалар бериш, топшириқларни ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

3.15. Иш ҳақи тўлаш жадвалига мувофиқ асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида маблағлари ва брони мавжуд бўлганда, қонунчиликка мувофиқ нақд пул маблағларини олиш;

3.16. Банк томонидан шартномавий ҳамда қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ўз вақтида ёки тўлиқ бажарилмаганлиги оқибатида қўрилган зарарларни ўрнатилган тартибда қоплаб берилишини талаб қилиш;

3.17. Мижоз банкдан белгиланган жойга бориб тушмаган пул маблағларини кидириш, аниқлаш ва қайтаришда ёрдам сўраш;

3.18. Ўзбекистон Республикасининг банк қонунчилиги ва уларда бўлаётган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида ахборотлар олиш ҳуқуқларига эга.

4.БАНК СИРИ

4.1 Банк «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, Мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларининг сир сақланишини кафолатлайди.

4.2 Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат Мижознинг ёзма равишдаги муружаатига асосан унинг ўзига ёки унинг ишончли вакилига берилиши мумкин.

4.3 Мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларини учинчи шахсларга тақдим этишга фақатгина “Банк сири тўғрисида”ги қонуни ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

4.4 “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун талаблари бундан мустасно.

5. БАНК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1 Фуқаролик Кодексининг 780-моддасига мувофиқ мижоз банкнинг ҳисобварағида турган пул маблағлари билан амалиёт қилиш бўйича хизматларига мазкур шартнома ва банкда тасдиқланган тарифлар асосида ҳақ тўлайди.

5.2 Банк ҳисобварағи бўйича кўрсатилган хизматлар учун мижоз томонидан тўланадиган хизмат ҳақи миқдори қуйидагича белгиланади ва тўланади:

а) Мижоз кўрсатилган банк хизматлари учун талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи дебет айланмаси суммасидан _____% фоиз ҳақ тўлайди.

б) Маҳсулот ва хом ашё тайёрлаш учун (46-рамз) берилган нақд пуллардан _____% миқдорида ҳақ ундирилади.(Марказий банк томонидан мадад пуллари берилган ҳолат бундан мустасно).

в) юридик шахс ва хусусий тадбиркорларга топширилган тушумлари доирасида берилган нақд пуллардан _____% миқдорида ҳақ ундирилади.

г) хусусий тадбиркорларга ҳисобварағларига келиб тушган нақдсиз пул маблағи ҳисобидан _____% миқдорида ҳақ ундирилади.

д) хизмат ҳақи банк томонидан кунлик автоматик равишда ҳисобланиб, ҳисобланган хизмат ҳақлари мижоз томонидан хар бир ўтказма учун муомала амалга оширилган санада тўлаб борилади.

г) ҳисобварақда маблағ бўлмаганда ёки маблағ етарли бўлмаганда, тўланмаган хизмат ҳақлари бўйича банк томонидан акцептсиз тўлов талабномалари ёки инкассо топшириқномалари мижознинг 2-сонли картотекасига жойлаштирилади ва ўрнатилган тартибда ижро этилади.

д) Мижознинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлиги учун туловлар ой давомида мемориал ордер орқали ундирилади.

5.3 Пул чеки дафтарчасини рўйхатга олиш учун мижоздан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10% миқдориди ҳақ олинади. Йўқотилган чек дафтарчаси ўрнига янги чек дафтарчасини бериш учун мижоздан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробари миқдориди ҳақ ундирилади.

5.4 Инкассо топшириқномаларини қабул қилиш, жўнатиш хизматлари, эълоннома, крим ва чиқим ордерлари ва бошқа пул ҳисоб-китоб бланкалари учун мижоз банкка ҳақ тўламайди.

5.5 Аккредитив очиш, унга ўзгартиришлар киритиш ва ёпиш учун мижоз Банкка базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробари миқдорда ҳақ тўлайди.

5.6 Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия, нафақа, алимент, стипендия учун нақд пул маблағларини берилишида **воситачилик ҳақи олинмайди.**

5.7. Мижозга банк ҳисобварағини очганлик учун ҳақ олинмайди.

5.8. Мижоз ҳисобварағининг ҳолати тўғрисида маълумотнома бериш ёки тасдиқлаш учун ва мижоз талабига кўра сўровномалар тайёрлаш ва жўнатиш учун мижоздан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15% гача ҳақ олинади.

5.9. Электрон тўловлар ўтказиш учун Ахборотлаштириш Бош Маркази харажатларининг 1,5 баробарига тенг маблағ ундирилади.

5.10. Банк алоқа воситалари орқали алоқа қилиш, маълумот бериш ва х.к.лар учун мижознинг _____ рақамли уяли алоқа воситаси орқали боғланади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бир тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексиди, амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

6.2 Банкнинг жавобгарлиги:

6.3. Банк Мижоз ҳисобварағи бўйича амалиётларни ўз вақтида амалга оширилишига жавобгардир.

6.4. Банк Мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларини ноқонуний равишда ошкор қилганлиги учун жавобгардир.

6.5. Банк қонун ҳужжатларида ўрнатилган мижозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно этган ҳолда, банк ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг **0,01 фоизи миқдориди** жарима тўлайди.

6.6. Банк томонидан электрон тўловларни амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, у мижозга кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг **0,1 фоизи миқдориди**, бироқ кечиктирилган электрон тўлов суммасининг **10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда** пеня тўлайди.

6.7. Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, мижоз банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдориди, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6.8. Мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари етарли бўлишига қарамасдан банк иш ҳақи ва қонунчиликда белгиланган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул билан

таъминлашни кечиктирган ҳолларда қонунчиликда белгиланган банк устав капиталининг энг кам миқдорининг **0,005 фоизи** миқдориди жарима тўлайди.

6.9. Мижознинг сўровига биноан унинг ҳисобварағидан кўчирмалар берилишида камчиликларга йўл қўйилмайди. Кўчирмада банк томонидан унинг ҳаққонийлиги қасддан бузиб кўрсатилган тақдирда, мижоз банкка нисбатан эътирозларини Суд орқали ҳал этади.

6.10. Банк мижознинг ҳисобварағидаги маблағларини унинг топшириғисиз ёки қонунчиликда белгиланган тартибда розилиги олинмаган (акцептланмаган) ҳолда ҳисобдан чиқарган (ўтказиб берган) тақдирда, ушбу маблағларни ҳисобвараққа тиклайди ва бой берилган фойдани қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаб беради.

6.11. Банк Мижознинг шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли равишда бажармаганлиги учун кредиторларга тўланиши лозим бўлган пенянинг ҳисобланишига ва ундирилишига жавобгар бўлмайди.

6.12. Банк банк хизматларини тақдим этиш шартларининг ўзгариши ҳақидаги маълумот кучга киришидан камида ўн кун олдин мижозни хабардор қилади.

6.13. Мижознинг жавобгарлиги:

6.14. Мижоз ҳисобварағига хато (нотўғри) келиб тушган маблағлар тўғрисида, у ҳисобварақдан кўчирма олгандан сўнг 2 (икки) иш кунида Банкка уни қайтариш тўғрисида тўлов топшириқномаси тақдим қилиши лозим.

6.15. Мижоз банк ҳисобварағи бўйича ўтказилган амалиётларнинг қонунийлиги учун жавобгардир.

6.16. Мижоз банк кассасидан олинган нақд пул маблағларини ўз вақтида кассасига қирим қилиш ва белгиланган мақсадлар учун сарфлаши ҳамда касса интизомига риоя этилиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.17. Мижоз банкка ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ишончли расмийлаштирилиши учун жавобгар ҳисобланади.

6.18. Банкка тақдим қилинган ҳужжатлар, уларда қайд этилган маълумотларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига Мижоз жавобгардир.

6.19. Ўтказилаётган банк амалиётларига доир ҳужжатларни банкнинг биринчи талаби билан тўлиқ ҳамда сифатли ҳолатда банкка тақдим қилиниши учун жавобгардир.

7. БАНКНИ БЕЛГИЛАНГАН ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1 Банк қуйидаги ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади:

а) форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилишларда (Форс-мажор ҳолатларига тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар, зилзила, сув тошқини, ёнғин, фавқулодда ҳолатлар эълон қилиниши каби ҳолатлар, шунингдек, банк филиали ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, банкда бухгалтерия ва ҳисобварақ амалиётларининг тўхтаб қолиши, компьютер техникасининг носоз ҳолатга келиши ёки банкда электр энергияси бўлмаслиги каби ҳолатлар кириши мумкин);

б) банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда (тўловлар мижоз томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилишида йўл қўйилган нуқсонлар натижасида кечиктирилганда, нақд пул олиш учун зарур бўлган тўлов ҳужжатлари ўз муддатида тақдим этилмаган ёки тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар ва хатоликлар мавжуд бўлганда), шунингдек, халқаро амалиётлар бўйича томонлардан бири халқаро санкцияларга дучор бўлганда.

в) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга банк ёки мижоз ҳисобварақлари бўйича амалиётлар тўхтатилганда.

8. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

8.1 Мижоз банкдаги ҳисобварақда турган ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этади.

Банк Мижознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ва мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас.

8.2 Банк иш куни яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жўнатилганидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисоботларга эртаси банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлар киритиш (сторно бериш) йўли билан тузатиш мемориал ордерлари асосида тўғриланади. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар Мижознинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади.

8.3 Банк ва Мижоз ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ тартибга солинади.

8.4 Мижознинг ҳисобварағи бўйича амалиётларни ўтказиш тартиби келишувчи томонлар учун мажбурий бўлган Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланади.

9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1 Шартнома тузилганидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини, ёнғин, zilзила ва табиий офатнинг бошқа кўринишлари, уруш, эпидемия, карантин, эпизотия ҳамда шу каби олдини олиш имконияти бўлмаган ҳодисалар ёки амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг бекор бўлиши ёхуд уларга киритилган ўзгартиришлар туфайли ушбу шартнома бўйича ҳар қандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда шартноманинг томонларидан ҳеч бири жавобгар бўлмайдилар.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1 Мазкур шартнома имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва номуайян муддатга тузилган бўлиб, томонларнинг ташаббуси билан ёки суд тартибида бекор қилингунга қадар амалда бўлади.

10.2 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига мувофиқ фақат ёзма равишда киритилади. Шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

10.3 Мазкур шартнома Мижознинг аризасига кўра ҳоҳлаган вақтда Мижоз томонидан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча тўловлар тўла амалга оширилгандан сўнг, ўрнатилган тартибда бекор қилиниши мумкин.

10.4 Ушбу шартнома банкнинг талаби билан фақатгина суднинг қарорига биноан иккинчи тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

10.5 Шартнома бекор қилингандан кейин мижознинг ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи унинг тегишли ёзма аризасига асосан кечи билан 7 (етти) кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади. Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижознинг ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади. Шартнома бекор қилинган санадан эътиборан 7 иш куни мобайнида Мижоз маблағларни бошқа ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатма бермаса, Банк мижознинг ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини 29842-«Ҳаракатсиз депозитлар» ҳисобварағига ўтказиши мумкин.

10.6 Мижознинг асосий ҳисобварағи, ушбу Мижозга тегишли бошқа ҳисобварақлар ёпилгандан кейингина ёпилади.

10.7 Мижоз олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачалик - уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул амалиётларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ёки қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилинган Устав жамғармасини шакллантирмаганлиги сабабли тугатиш комиссияси томонидан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, шартнома бекор қилинади.

11. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

11.1 Шартнома шартлари ва уларнинг бажарилиши юзасидан келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, низо томонлар ўртасида ўзаро келишувга мувофиқ ҳал этилади.

Музокаралар натижасида томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда низолар қонунчиликка мувофиқ Суд тартибида кўриб чиқилади.

11.2 Мижознинг бошқа шахслар билан ҳисоб-китоблари бўйича ўзаро даъволари банкнинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

11.3 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ПОЧТА МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Банк»

«Мижоз»

«Мадад Инвест банк» АТБ
Манзил: Фарғона шаҳар Мустақиллик
312-уй
Тел: 73-241-70-33 73-241-70-37
Факс: 73-241-70-32
Банк реквизитлари: Банк коди: 01142
Х/Р: 19909000500001142001
СТИР: 207246047

Манзил: _____

Тел: _____

Факс: _____

Банк реквизитлари: Банк коди: 01142

Х/Р _____

СТИР _____

Раҳбар _____

Бошқарувчи _____

Бош ҳисобчи _____

Ҳуқуқшунос _____